

**Асосий иқтисодий
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	41686,2	108,1
Саноат маҳсулоти	24119,4	107,0
Истеъмол товарлари	8087,7	107,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	9821,6	107,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	9979,6	107,6
Қурилиш ишлари	5353,4	108,6
Юк айланмаси, млрд. тн–км	39,8	109,3
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	41,2	107,8
Чакана товар айланмаси	16467,8	112,5
Пуллик хизматлар	6199,8	116,2
Ташқи савдо айланмаси ^{*)} , млн. АҚШ. долл.	13088,1	106,6
Экспорт	7164,9	101,1
Импорт	5923,2	114,1

^{*)} Бу ерда ва келгусида дастлабки маълумотлар

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

2012 йилнинг январь–июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми, дастлабки маълумотларга кўра, жорий нархларда 41686,2 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 8,1 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 79,3 фоизи (2011 йилнинг январь–июнида 78,8 фоизи) иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 20,7 фоизи (21,2 фоизи) давлат секторида ишлаб чиқарилди.


Январь–июнда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони – 531,0 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони – 495,4 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,3 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 25,4 фоизи), қишлоқ хўжалиги (21,1 фоизи), саноат (13,3 фоизи) ва қурилиш (7,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер хўжаликларисиз) иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	302,7	100,0	269,7	100,0
шу жумладан:				
саноат	40,3	13,3	34,8	12,9
қурилиш	22,2	7,3	18,6	6,9
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	64,0	21,1	60,9	22,6
транспорт ва алоқа	10,3	3,4	8,9	3,3
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	21,8	7,2	18,9	7,0
савдо ва умумий овқатланиш	76,8	25,4	63,5	23,5
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	4,1	1,4	3,4	1,3
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	10,8	3,6	10,2	3,8
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,6	7,1	21,0	7,8

Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда

бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари

30,8 10,2 29,5 10,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,6 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 50,9 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,0 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 20,8 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.



Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,

умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида

2011 й.

2012 й.



- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

2012 йилнинг январь–июнида жами 18,4 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 17,2 фоизи), Самарқанд (9,5 фоизи), Тошкент (9,2 фоиз) ва Қашқадарё (8,8 фоиз) вилоятларига тўғри келади.


Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 40,1 фоизи қишлоқ хўжалиги, 19,7 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 16,7 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 10,9 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 3,3 мингтаси ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 32,3 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 22,2 фоизи қишлоқ хўжалиги, 15,1 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2012 йилнинг январь–июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Кичик тадбиркорлик
(бизнес)**

2012 йилнинг январь–июнида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 42,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига ҳиссасига тўғри келди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоизга кўпдир. 2012 йилнинг январь–июнида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 25,8 фоизни ташкил этди, 2011 йилнинг январь–июнида ушбу кўрсаткич 25,7 фоиз бўлган.

2012 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

9045,8 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,7 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6704,8 минг нафари индивидуал сектор, 2341,0 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5109,9 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 21,2 фоизи) ва 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 119,9 фоизни ташкил қилди;

3533,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 35,4 фоизи) ўзлаштирилди ва 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 131,2 фоизни ташкил қилди;

4018,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 75,1 фоизи) бажарилди ва 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 115,8 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспортида юк айланмаси 8,3 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 78,6 фоизи), йўловчи айланмаси 8,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 86,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 46,3 фоизи ёки 7620,8 млрд. сўми (ўсиш 11,4 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 42,1 фоизи ёки 2611,4 млрд. сўми (ўсиш 10,6 фоиз) шакллантирилди;

1087,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 15,2 фоизи) миқдориди маҳсулотлар экспорт қилинди (2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 114,1 фоиз), 2286,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 38,6 фоизи) миқдориди маҳсулотлар импорт қилинди (2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 129,9 фоиз).


2012 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	5109,9	32,7
Қишлоқ хўжалиги	9630,4	100,0
Қурилиш	4018,5	75,4
Чакана савдо	7620,8	67,0
Пулик хизматлар	2611,4	80,9
Юк ташиш, млн.тн	205,9	72,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	2534,3	94,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	1087,5	5,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	2286,5	15,1

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8203,7 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 90,7 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, ҳисобот даврида 34 та (дастурий ва нодастурий объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Энг кўп хусусийлаштирилган объектлар Тошкент шаҳрига (21 та объект) тўғри келади.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади – 30 та объект.

2012 йилнинг январь–июнида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 11,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Хоразм вилоятига (барча пул маблағларининг 41,2 фоизи) ва Тошкент шаҳрига (37,6 фоиз) тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг январь–июнида ташқи савдо айланмаси 13088,1 млн. АҚШ долларини, жумладан 7164,9 млн. АҚШ долларини – экспорт операциялари, 5923,2 млн. АҚШ долларини – импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 121,0 фоизни (ўтган йилнинг шу даврида 141,9 фоизни) ташкил қилди.


Ташқи савдо қолдиғи 1241,7 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 1546,4 млн. АҚШ долларини, бошқа давлатлар билан минус 304,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2012 йилнинг январь–июнида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	2011й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	13088,1	106,6
МДҲ мамлакатлари	6136,8	121,9
бошқа давлатлар	6951,3	96,0
Экспорт	7164,9	101,1
МДҲ мамлакатлари	3841,6	133,5
бошқа давлатлар	3323,3	79,0
Импорт	5923,2	114,1
МДҲ мамлакатлари	2295,2	106,4
бошқа давлатлар	3628,0	119,5
Қолдиқ	1241,7	х
МДҲ мамлакатлари	1546,4	х
бошқа давлатлар	-304,7	х

Январь–июнда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибининг ўзгариш динамикаси

	таркиби, % ҳисобида	ҳажм ўзгариши, % ҳисобида
	2012й. январь–июнь	2011й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	101,1
пахта толаси	10,0	146,6
озиқ–овқат маҳсулотлари	4,7	51,8
улардан истеъмол маҳсулотлари	4,3	50,9
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,8	88,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	39,1	2,2 м.
қора ва рангли металллар	7,1	88,5
машина ва ускуналар	7,2	102,5

	таркиби, % ҳисобида	ҳажм ўзгариши, % ҳисобида
	2012й. январь–июнь	2011й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
хизматлар	15,6	132,9
бошқалар	11,5	34,4
Импорт	100,0	114,1
оziқ–овқат маҳсулотлари	12,9	129,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	13,6	120,1
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	6,9	80,1
қора ва рангли металллар	7,7	115,0
машина ва ускуналар	43,3	116,2
хизматлар	4,7	111,3
бошқалар	10,9	113,5

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





2012 йилнинг январь–июнида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2011й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	29,5	128,6
Хитой	12,3	154,5
Қозоғистон	10,7	117,9
Корея Республикаси	8,8	147,0
Афғонистон	4,6	197,7
Туркия	4,3	91,3
Украина	3,3	135,6
Эрон	2,0	118,4
Германия	1,8	83,2



	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2011й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Франция	1,5	81,3
Туркменистон	1,5	86,6
Бразилия	1,1	88,3
АҚШ	1,0	89,8
Латвия	1,0	135,6
БАА	0,7	150,6
Бангладеш	0,7	5,3р.
Буюк Британия	0,7	120,8
Ҳиндистон	0,7	110,5
Беларусь	0,6	96,1
Тожикистон	0,6	132,3
Сингапур	0,5	174,4
Қирғизистон	0,5	82,7
Австрия	0,5	95,4
Италия	0,5	51,9
Польша	0,5	117,0
Япония	0,4	112,2
Малайзия	0,4	131,2
Нидерландия	0,3	91,3
Бельгия	0,3	120,9
Швейцария	0,3	68,5

2012 йилнинг январь–июнида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2012 йилнинг январь–июнида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 24119,4 млрд. сўмни ёки 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 107,0 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 8087,7 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати

107,7 фоизни ташкил этди, жумладан, 3612,8 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари (109,3 фоиз), 4474,9 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (106,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.


2012 йилнинг январь–июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2011 й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	24119,4	107,0
шу жумладан:		
электроэнергетика	1965,8	102,2
ёқилғи саноати	4621,8	105,1
қора металлургия	617,2	102,2
рангли металлургия	2637,5	105,1
кимё ва нефт–кимё саноати	1276,1	105,2
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	3749,1	108,3
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	246,6	104,5
қурилиш материаллари саноати	1245,7	106,5
енгил саноат	3242,5	112,9
озиқ–овқат саноати	3273,2	108,0
Истеъмол маҳсулотлари	8087,7	107,7
шу жумладан:		

	млрд. сўм	2011 й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
озиқ–овқат маҳсулотлари	3612,8	109,3
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	4474,9	106,4

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Электроэнергетика
- Ёқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт– кимё саноати
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Ёғочни қайта ишлаш
- ва целлюлоза– қоғоз саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озиқ– овқат саноати
- Бошқа тармоқлар

Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	2012 йил январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
--	-------------------------	--

Ёқилғи–энергетика саноати

Электрэнергия, млрд. кВт. соат	26,1	98,3
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	10,0	100,5
Кўмир, минг тн	1335,6	81,6
Суюлтирилган газ, минг тн	133,6	102,3

Қора металлургия

Пўлат, минг тн	384,3	100,2
Тайёр прокат, минг тн	363,9	100,5
Пўлат қувурлар, минг тн	43,9	106,7
Сирланган пўлат идишлар, минг тн	1,1	107,2

Кимё ва нефт–кимё саноати

Сунъий аммиак, минг тн	706,6	104,2
Минерал ўғитлар, минг тн	643,0	103,2
Ўсимликларни химоя воситаси, тн	1835,1	112,5
Каустик сода, минг тн	12,7	102,4
Полиэтилен, минг тн	70,8	104,1
Карбоксиметилцеллюлоза, тн	1500	2,8 м.
Метанол ректификат, тн	4026,0	98,8
Полипропилен қоплар, млн. дона	31,1	115,7
Олтингугурт кислотаси, минг тн	632,1	104,6
Хлор кислотаси, минг тн	24,9	104,8

	2012 йил январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Синтетик ювиш воситалари, тн	254	149,4
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, минг дона (махсуслардан ташқари)	108,6	102,4
Юк автомобиллар, дона	945	139,2
Махсус автомобиллар, дона	211	69,9
Лифтлар, дона	98	2,5 м.
Кўприкли электр кранлар, дона	14	107,7
Аккумуляторлар, минг дона	222,7	107,4
Тракторлар, дона	501	44,6
Трактор сеялқалари, дона	1011	166,6
Трактор плуглари, дона	32	2,0 м.
Ўраш учун ишлатиладиган ва эмаль симлар, тн	375,4	130,6
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	11052	106,5
Кучланиш трансформаторлари, минг кВт.	1716,7	97,9
Назорат кабеллари, км	619	164,2
Геофизик кабеллар ва симлар, км	1040	122,2
Ўрнатиладиган симлар, км	12555	116,0
Электр дазмоллар, дона	6402	106,7
Электрни тежовчи лампалар, минг дона	970,3	5,2 м.
Кир ювиш машиналари, дона	4832	–

	2012 йил январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Кондиционерлар, минг дона	27,9	5,9 м.
Микротўлқинли печлар, дона	6429	–
Ҳаво линиялари электр узаткичлари учун изоляцияланмаган алоқа симлари, тн	3816	3,3 м.
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	3345,0	96,8
Қуруқ қурилиш аралашмалари, минг тн	13,1	2,3 м.
Асфальтобетон, минг тн	273,7	111,0
Йиғма темирбетон конструкция ва деталлар, минг куб.м	63,1	105,0
Гипсли тош, минг тн	145,5	130,7
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Тобланган автомобил ойналари, минг кв.м	401,4	104,1
Бутилкалар, млн.дона	109,1	97,5
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	594,9	100,8
Чигит, минг тн	39,2	107,8
Ипак газламалар, минг кв.м.	578,2	100,4
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	29,0	77,6
Аралашмали матолар, минг кв.м.	167	122,4
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	2173	3,7 м.

	2012 йил январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Гидам ва гидам маҳсулотлари, минг кв.м.	301,5	112,9
Тери маҳсулотлари, минг кв.дм.	26900	7,9 м.
Озиқ–овқат саноати		
Узум виноси, минг дал	1140	117,0
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	5908,0	105,4
Коньяк, минг дал	56,6	137,6
Шакар, минг тн	184,5	107,0
Ош тузи, тн	16800	103,4
Алкоголсиз ичимликлар, млн.дал	12,2	131,0
Газланган сувлар, минг дал	230,0	101,3
Сариёғ, тн	81	4,5 м.
Мева ва сабзавот консервалари, млн. шартли банкалар	41,8	144,0
Балиқ консервалари, минг шартли банкалар	119	132,2
Табиий чой, минг тн	7,1	101,1
Гўшт консервалари, туб	1662	164,4
Болалар истеъмоли учун қуритилган сут аралашмалари, тн	510,0	109,9
Ун–ёрма ва омихта ем саноати		
Ун, минг тн	656,8	91,0
Омихта ем, минг тн	420,3	95,8
Тиббий		


	2012 йил январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Дори дармон, млн.сўм	58522,5	101,2
Бошқа тармоқлар		
Целлюлоза, тн	4460,0	139,9
Тоза қоғоз моллари, млн.сўм	10636,6	143,7
Мактаб дафтарлари, минг дона	25667	118,9
Ламинатланган плиталар, минг кв.м.	13,8	3,9 м.

Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январь–июнида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9821,6 млрд. сўмни ёки 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 5296,2 млрд. сўмни (107,1 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 4525,4 млрд. сўмни (107,2 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 53,9 фоизни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 1 июль ҳолатига жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3583,9 минг гектар майдонни ташкил қилди, ўтган йил шу даврига нисбатан 4,9 минг гектар майдонга кам экин экилган.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1605,0 минг гектарни (2011 йил январь–июнига нисбатан 2,2 минг гектарга кўп), пахта экин майдони 1307,7 минг гектарни (21,4 минг гектарга кам), картошка экин майдонлари 75,5 минг гектарни (2,2 минг гектарга кўп), сабзавот экинлари майдони 182,5 минг гектарни (8,2 минг гектарга кўп), озуқа экинлари майдони 298,8 минг гектарни (9,4 минг гектарга кам) ташкил қилди.

2012 йил ҳосили учун асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экин майдонлари қуйидагича ифодаланади:

	2012 й. январь – июнь	
	минг тонна	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Экин майдони	3583,9	100,0
Донли экинлар	1605,0	44,8

**2012й.
январь – июнь**

	минг тонна	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	1480,6	41,3
шундан:		
буғдой	1396,2	39,0
шоли	66,9	1,9
дон учун маккажўхори	36,9	1,0
Техник экинлар	1369,1	38,2
шу жумладан гўза		
Картошка	75,5	2,1
Сабзавот	182,5	5,1
Полиз	52,8	1,5
Озуқа экинлари	298,8	8,3

Ҳосилни йиғиб–териб олиш. Жорий йил 1 июль ҳолатига барча хўжаликлар бўйича 5690,7 минг тонна донли, шу жумладан 5681,8 минг тонна бошоқли экинлар, ундан 5589,1 минг тонна буғдой териб олинди.

Ҳисобот даврида 983,8 минг тонна картошка қазиб олинди, 1917,2 минг тонна сабзавот, 120,9 минг тонна полиз экинлари, 642,8 минг тонна мева ва резаворлар ва 17,6 минг тонна узум йиғиб олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 46,1 фоизни ташкил этди.

2012 йил 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 571,9 минг бошга (6,2 фоизга), шу жумладан сигирлар 139,5 минг бошга (3,7 фоизга), қўй ва эчкилар 585,8 минг бошга (3,6 фоизга), паррандалар 5628,2 минг бошга (14,7 фоизга) кўпайди.

2012 йил 1 июль ҳолатига барча хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар сони куйидагича ифодаланади:

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамол	9783,3	106,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	508,0	102,4
деҳқон хўжаликлари	9172,7	106,4
қишлоқ хўжалик корхоналари	102,6	106,0
шунингдек, сигирлар	3956,0	103,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	179,6	103,8
деҳқон хўжаликлари	3744,6	103,6
қишлоқ хўжалик корхоналари	31,8	106,4
Қўй ва эчкилар	16687,2	103,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1219,5	102,0
деҳқон хўжаликлари	13494,7	106,2
қишлоқ хўжалик корхоналари	1973,0	89,7
Чўчқалар	93,4	93,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	7,7	81,8
деҳқон хўжаликлари	75,2	98,0
қишлоқ хўжалик корхоналари	10,5	78,8

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Паррандалар	43868,0	114,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	5387,0	110,2
деҳқон хўжаликлари	26974,6	114,9
қишлоқ хўжалик корхоналари	11506,4	116,6

Деҳқон хўжалиklarининг улушига йирик шохли қорамоллар умумий сонининг 93,8 фоизи, сигирларнинг 94,7 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 80,9 фоизи, чўчқаларнинг 80,5 фоизи, паррандаларнинг 61,5 фоизи, фермер хўжалиklarига эса йирик шохли қорамолларнинг 5,2 фоизи, сигирларнинг 4,5 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 7,3 фоизи, чўчқаларнинг 8,3 фоизи, паррандаларнинг 12,3 фоизи тўғри келади.

2012 йил январь–июнь ҳолатига барча тоифадаги хўжалиklarда 777,6 минг тонна гўшт (тирик вазнда) (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,0 фоизга кўп), 3217,0 минг тонна сут (7,0 фоизга кўп), 1936,2 млн. дона тухум (16,8 фоизга кўп), 15,3 минг тонна жун (5,4 фоизга кўп), 955,5 минг дона қоракўл тери (5,2 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:


	2012й. январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	777,6	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	18,3	109,6
деҳқон хўжаликлари	738,2	106,7
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	21,1	113,6
Сут, минг тн.	3217,0	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	107,1	111,4

	2012й. январь – июнь	2011 йил январь – июнига нисбатан фоизда
деҳқон хўжаликлари	3089,5	106,9
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	20,4	100,2
Тухум, млн. дона	1936,2	116,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	202,7	124,9
деҳқон хўжаликлари	1068,2	118,7
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	665,3	111,6
Жун, тн.	15327	105,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1166	108,5
деҳқон хўжаликлари	12928	106,7
қишлоқ хўжалик корхоналари	1233	91,1
Қоракўл тери, минг дона	955,5	105,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	39,9	108,3
деҳқон хўжаликлари	610,7	104,8
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	304,9	105,6

Чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришдаги ўсиш барча вилоятлар бўйича асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига амалга ошди. Деҳқон хўжаликларининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 55,2 фоизни ташкил этди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда



Фермер хўжаликлари. 2012 йилнинг январь–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2470,7 млрд. сўмни ёки 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 104,7 фоизни ташкил қилди.

2012 йилнинг 1 июлига нисбатан йирик шохли қорамоллар – 11,9 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга), шу жумладан сигирлар – 6,5 минг бошга (3,8 фоизга), қўй ва эчкилар – 24,4 минг бошга (2,0 фоизга), паррандалар – 499,0 минг бошга (10,2 фоизга) кўпайди.

2012 йил январь–июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Бошоқли экинлар	4677,2	82,3	102,0
шу жумладан, буғдой	4607,1	82,4	102,5

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Картошка	104,8	10,7	127,5
Сабзавотлар	307,4	16,0	116,3
Полиз экинлари	48,0	39,7	109,7
Мевалар	216,9	33,7	110,4
Ўзум	4,8	27,4	111,7
Гўшт	18,3	2,4	109,6
Сут	107,1	3,3	111,4
Тухум, млн. дона	202,7	10,5	124,9
Жун, тонна	1166,0	7,6	108,5
Қоракўл, минг дона	39,9	4,2	108,3

Инвестициялар ва қурилиш

2012 йилнинг январь–июнида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларисидаги эквивалент ҳажми 5,4 миллиард АҚШ долларини ёки 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 110,9 фоизни ташкил қилди.

2012 йилнинг январь–июнида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 9979,6 млрд. сўмга тенг бўлди ёки ўтган йил шу даврига нисбатан 107,6 фоизни ташкил қилди.

2012 йилнинг январь–июнида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича						
	жами инвестициялар, млрд. сўм	давлат бюджети маблағлари	сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари *)
Жами	9979,6	4,6	0,4	54,3	18,7	10,0	12,0
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
давлат	2485,3	17,5	1,5	29,0	12,3	1,7	38,0
нодавлат	7494,3	0,3	0	62,8	20,8	12,7	3,4

2012 йилнинг январь–июнида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами	9979,6	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	6756,4	67,7
саноат	3317,8	33,2

шу жумладан:

*) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
ёқилғи–энергетика саноати	1750,4	17,5
металлургия	257,1	2,6
кимё ва нефт–кимё саноати	155,1	1,6
машинасозлик	453,4	4,5
енгил саноат	247,2	2,5
озиқ–овқат саноати	157,4	1,6
қурилиш материаллари саноати	160,6	1,6
қишлоқ хўжалиги	406,4	4,1
қурилиш	380,1	3,8
транспорт ва алоқа	1890,1	18,9
савдо ва овқатланиш	416,4	4,2
геология ва ер ости бойликларини излаш	201,3	2,0
бошқалар	144,3	1,5
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	3223,2	32,3
уй–жой қурилиш	1931,6	19,4
коммунал хўжалик	199,1	2,0
соғлиқни сақлаш	290,0	2,9
таълим	346,0	3,5
маданият ва санъат	25,5	0,2
бошқалар	431,0	4,3

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 6756,4 млрд. сўми ёки 67,7 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига,

3223,2 млрд. сўми ёки 32,3 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

Иқтисодий тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитлари—ни ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 1931,6 млрд. сўми уй–жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 59,9 фоизни ташкил этди.

2012 йилнинг январь–июнида умумий майдони 4854,1 минг кв.м. бўлган 38,7 мингта уй ёки 39,3 мингта хонадон (2011 йил январь–июнига нисбатан 100,6 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 3639,3 минг кв.м. (97,8 фоиз) уй–жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан соғлиқни сақлаш объектларининг қурилишига – 290,0 млрд. сўм (умумий ҳажмга нисбатан 9,0 фоиз), таълим объектларининг қурилишига – 346,0 млрд. сўм (10,7 фоиз), коммунал қурилишга – 199,1 млрд. сўм (6,2 фоиз) сарфланди.

Касалхоналар ва поликлиникаларни янги қуришга ва капитал қайта таъмирлашга – 139,1 млрд. сўмлик, бошқа соғлиқни сақлаш

объектларига – 12,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 48,0 ва 4,2 фоизини ташкил қилди.

Лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 68,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,1 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 19,7 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 65,8 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 37,9 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 57,6 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 14,4 млрд. сўм (21,9 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 7,7 млрд. сўм (11,7 фоизи),

корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 5,8 млрд. сўм (8,8 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди. Газ тармоқлари қурилишига 6,4 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 6,1 млрд. сўм (95,3 фоизи), корхона



ва ташкилотлар ҳисобидан 0,3 млрд. сўм (4,7 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2012 йилнинг январь–июнида 5353,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 108,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 77,9 фоизи корхоналарни янги қурилиши, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 20,5 фоизи капитал, жорий таъмирлашга ва 1,6 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарилган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2012 йилнинг январь–июнида барча транспорт турлари томонидан 607,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 9,3 фоизга ўсди ва 39,8 млрд.тн–км.ни ташкил қилди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2012 й. январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	607,6	104,8
темир йўл транспортида	30,0	101,5

	2012 й. январь–июнь	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
автомобил транспортида	543,2	104,5
ҳаво транспортида, минг тн	11,9	70,8
қувур йўллари орқали	34,4	113,3
Юк айланмаси, млн. тн–км	39838,1	109,3
темир йўл транспортида	11572,4	104,1
автомобил транспортида	11024,2	104,6
ҳаво транспортида	60,5	73,6
қувур йўллари орқали	17181,0	116,9

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



2012 йил январь–июнида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	29952,7	101,5
шу жумладан:		
тошкўмир	1268,8	88,5
нефт маҳсулотлари	6824,0	102,4
қора металллар	476,9	92,9
қора метал темир–терсаклари	454,9	95,4
кимёвий ва минерал ўғитлар	2099,8	76,1
қурилиш материаллари	3203,8	91,8
цемент	2376,1	101,0
ёғоч–тахта материаллари	59,9	98,9
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	524,3	77,0

Автомобил транспортида 543,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2011 йил январь–июнига нисбатан 4,5 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 11,0 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 4,6 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2011 йил январь–июнь даражасидан 7,6 фоизга кўпайди ва 8,1 млрд. тн–км. ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 73,4 фоизни (2011 йил январь–июнида – 71,3 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 11,9 минг тонна юк жўнатилиб, 2011 йил январь–июнига нисбатан 29,2 фоизга камайди, юк айланмаси эса 26,4 фоизга камайди ва 60,5 млн.тн–км.ни ташкил қилиди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 17,2 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 2011 йил январь–июнига нисбатан 16,9 фоизга кўпайди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 3181,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йил январь–июнига нисбатан 5,1 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 7,8 фоизга кўпайиб, 41,2 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2012й. январь–июнь	2011й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	3181,7	105,1
темир йўл транспортида	8,2	108,9
автомобил транспортида	3131,6	105,2
ҳаво транспортида	1,3	122,6
шаҳар электр транспортида	40,6	98,3
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	41156,4	107,8
темир йўл транспортида	1680,8	115,3
автомобил транспортида	35946,1	106,9
ҳаво транспортида	3255,9	115,6
шаҳар электр транспортида	273,6	98,3

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,4 фоизни, йўловчи айланмасида эса 87,3 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 8,9 фоизга ошди ва 8,2 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 15,3 фоизга ошди ва 1680,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1288,0 мингта йўловчи ташилди, бу 2011 йил январь-июнига нисбатан 22,6 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса 3255,9 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, 15,6 фоизга кўпайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 1,4 фоизга кўпайди.

Товарлар ва хизматлар бозори

2012 йил январь-июнда чакана товар айланмаси 16467,8 млрд. сўмни ёки 2011 йил январь-июнига нисбатан 112,5 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 51,2 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улуши 48,8 фоизни ташкил қилди (2011 йил январь-июнида мос равишда – 50,0 ва 50,0 фоиз).

2012 йил январь-июнида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2011й. январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	16467,8	112,5
давлат мулки	37,7	110,2
нодавлат мулки	16430,1	112,5
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	12547,2	114,3

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 6356,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2011 йил январь-июнига нисбатан

5,3 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 38,6 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 25,3 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 19,0 фоизга ошди ва 6873,4 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 41,7 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 3238,2 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2011 йил январь–июнига нисбатан 14,8 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 19,7 фоизни ташкил қилди.

2012 йил январь–июнда чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	16467,8	112,5	100,0
савдо корхоналари	6356,2	105,3	38,6
бозорлар	10111,6	117,6	61,4
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	3238,2	114,8	19,7
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	6873,4	119,0	41,7

2012 йилнинг январь–июнида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 6199,8 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан 116,2 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 67,3 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 4170,1 млрд. сўмни ташкил қилди ва 18,2 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,4 фоизга ўсиб, 2029,7 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 32,7 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 81,7 фоизни ташкил қилди.

2012 йил январь–июнда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	6199,8	100,0
давлат мулки	1135,2	18,3
нодавлат мулки	5064,6	81,7
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	2135,2	34,4

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 6,5 фоиз–ни ёки 406,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ўсиш суръати 2011 йил январь–июнига нисбатан 16,4 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 87,7 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 355,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва 15,4 фоизга ошди.

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ҳажми 23308,0 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 5153,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 22,1 фоизини ташкил қилди. 2011 йилнинг январь–июнига нисбатан хизматлар ҳажмининг реал ўсиш суръати 14,0 фоизни ташкил этди.

2012 йил январь–июнда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	23308,0	114,0	100,0

	млрд. сўм	2011 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	1467,0	126,9	6,3
Компьютерли дастурлаш хизматлари	41,4	118,9	0,2
Молиявий хизматлар	2093,7	116,0	9,0
Транспорт хизматлари (логи- стика хизматларини кўшган ҳолда)	7028,0	114,3	30,1
Қурилиш хизматлари	827,1	113,9	3,5
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	129,5	111,9	0,6
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	23,6	124,6	0,1
Туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини кўшган ҳолда)	102,3	122,8	0,4
Савдо ва овқатланиш хизматлари	4731,0	115,6	20,3
Маиший хизматлар	482,5	122,6	2,1
Таълим хизматлари	633,7	104,9	2,7
Соғлиқни сақлаш хизматлари	229,0	134,1	1,0
Бошқа хизматлар	5519,2	107,7	23,7

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (126,9 фоиз), қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (124,6 фоиз), туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини кўшган ҳолда) (122,8 фоиз), маиший хизматлар (122,6 фоиз), компью-

терли дастурлаш хизматлари (118,9 фоиз), молиявий хизматлар (116,0 фоиз), савдо ва овқатланиш хизматлари (115,6 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини кўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 30,1 фоизи), савдо ва овқатланиш (20,3 фоизи), молиявий хизматлар (9,0 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,3 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Аҳоли омонатлари

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахслар – резидентларнинг сўм ва валюта ҳисоб варақларидаги омонатлари ҳажми 3742,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2011 йил бошига нисбатан 14,2 фоизга (466,4 млрд. сўм) кўпайди.

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига жисмоний шахсларнинг валюта ҳисоб варақларидаги жамғармаларининг сўмдаги эквиваленти 676,2 млрд.сўмни ташкил қилди (жами омонатлар ҳажмининг 18,1 фоизи) ва 19,2 фоизга кўпайди.

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига тижорат банкларидаги жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳажми куйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида а	жами	шу жумладан чет эл валютасида а
Жами	3742,3	676,2	100,0	100,0
шундан:				
Халқ банки	890,9	13,9	23,8	2,1
Агробанк	587,3	1,3	15,7	0,2
ТИФ Миллий банки	433,2	129,0	11,6	19,1
Асака банк	292,2	99,9	7,8	14,8

	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида	жами	шу жумладан чет эл валютасида
Қишлоқ қурилиш банк	237,0	0,9	6,3	0,1
Ўзсаноатқурилишбан к	225,9	20,8	6,0	3,1
Ипотека–банк	225,6	8,8	6,0	1,3
Капиталбанк	180,3	161,3	4,8	23,9
Ҳамкорбанк	149,6	96,0	4,0	14,2
Ипак йўли банк	125,5	50,3	3,4	7,4
Алоқабанк	82,7	2,6	2,2	0,4
Микрокредитбанк	71,2	8,9	1,9	1,3
Туронбанк	66,7	31,8	1,8	4,7
Трастбанк	32,8	3,0	0,9	0,4
Савдогарбанк	26,1	2,0	0,7	0,3
Orient finance	22,0	19,2	0,6	2,8
Инвест финанс банк	17,7	4,9	0,5	0,7
ЎзКДБ банк	14,5	13,4	0,4	2,0
Туркистон банк	11,0	–	0,3	–
	10,7	0,0	0,3	0,0
Кредит–стандарт				

	млрд.сўм		умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	жами	шу жумладан чет эл валютасида а	жами	шу жумладан чет эл валютасида а
банк				
RBS O`zbekiston MB	7,8	4,8	0,2	0,7
Универсал банк	6,7	0,4	0,2	0,1
Бошқалар	24,9	3,0	0,6	0,4

Микрокредит ташкилотларининг фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра республикада 31 та микрокредит ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Микрокредит ташкилотларининг жами активлари ҳажми 25671,0 млн. сўмни ташкил қилди.


2012 йил 1–ярим йиллигида улар томонидан кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳажми 214,0 млн. сўмни ташкил этди.

2012 йил 1–ярим йиллигида республикадаги микрокредит ташкилотлари томонидан 62924,0 млн. сўмлик микрокредит ва микроқарз бериш бўйича хизматлар кўрсатилди.

Улардан жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар 61750,0 млн. сўмни (умумий ҳажмига нисбатан 98,1 фоиз), юридик шахсларга берилган микрокредитлар – 1175,0 млн. сўмни (1,9 фоиз) ташкил қилди.

Иқтисодиёт секторлари бўйича берилган микрокредитлар қуйидагича ифодаланади:

**2012 йил январь–июнь ҳолатига
юридик шахсларга тақдим этилган микрокредитлар**



Нарх ва тарифлар

**Январь–июнда
нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(нарх–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)**

	ўртача ойлик даражаси		июн оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2011й.	2012й.	2011й.	2012й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	3,6	3,4
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,8	0,9	11,4	5,3
Юк ташиш тарифларининг индекси	2,6	1,3	16,9	7,8

	ўртача ойлик даражаси		июн ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2011й.	2012й.	2011й.	2012й.
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,3	0,4	2,0	2,4

**Январь–июнда саноат тармоқлари бўйича
ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2011й.	2012й.
Жами	111,4	105,3
шу жумладан:		
электроэнергетика	109,1	104,7
ёқилғи саноати	116,2	99,0
қора металлургия	101,6	111,0
рангли металлургия	104,7	112,3
кимё ва нефт–кимё саноати	107,8	104,6
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	113,4	111,0
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	110,2	107,4
қурилиш материаллари саноати	125,6	118,3
енгил саноат	107,4	100,2
озиқ–овқат саноати	114,5	103,1
ун–ёрма саноати	100,0	100,0

**Январь–июнда транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2011й.	2012й.
--	--------	--------

Юк транспорти – жами	116,9	107,8
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	130,7	108,1
автомобил транспорти	118,4	105,0
ҳаво транспорти	114,8	98,1
қувур йўллари	111,1	107,3

**Январь–июнда юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2011й.	2012й.
Жами хизматлар	102,0	102,4
шу жумладан:		
почта алоқаси	100,0	100,9
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	118,7	100,0
уяли алоқа	104,4	105,1

Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига доимий аҳоли сони 29735,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 180,3 минг кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди. Шундан 51,2 фоиз аҳоли ёки 15219,0 минг киши шаҳар ва 48,8 фоиз аҳоли ёки 14516,7 минг киши қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Январь–июнда аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2011 йил	2012 йил
Туғилганлар	18,5	18,2

	ҳар 1000 кишига	
	2011 йил	2012 йил
Ўлганлар	4,7	4,8
шу жумладан бир ёшгача болалар *)	10,3	10,2
Никоҳлар	7,8	7,4
Ажралишлар	0,6	0,6

Туғилиш даражаси. 2012 йилнинг январь–июнида туғилиш коэффициенти 18,2 промиллени ташкил қилди ва 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 промиллега камайди (2011 йил январь–июнида 18,5 промилле).

Ўлим даражаси. Ҳисобот даврида ўлим коэффициенти 4,8 промиллени ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига (4,7 промилле) нисбатан 0,1 промиллега кўпайди.

Ўлганлар умумий сонидан 68,7 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 6,4 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,1 фоизи ўсма касалликларидан, 4,4 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,3 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг январь–июнида бир ёшга тўлмаган болалар ўлими сони 3,2 мингтани ташкил қилди.

Жами бир ёшга тўлмасдан ўлган болалардан 45,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 36,3 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,1 фоизи туғма аномалиялардан ва 4,3 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳ ва ажралишлар. 2012 йилнинг январь–июнида ФҲДЁ органларида 109,3 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 9,4 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 7,4 та (2011 йил – 7,8 та) никоҳ ва 0,6 та (2011 йил – 0,6 та) ажралишлар тўғри келмоқда.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг январь–июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 68,6 минг кишини ташкил қилди. Шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони 84,8 минг кишини ташкил қилди.

Миграция қолдиғи минус 16,2 минг кишини (2011 йилнинг шу даврида минус 20,5 минг киши) ташкил қилди.

*) ҳар 1000 та туғилганга

Ишсизлик^{*)}. 2012 йил июнь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 16,6 минг кишини (ўтган йилнинг шу даврида 21,2 минг киши) ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли Қарори билан тасдиқланган “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикаси” асосида аниқланган ишсизлар сони 609,9 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий актив аҳоли сонида ишсизлик даражаси 4,8 фоизга тенг бўлди.

^{*)} Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида.